

Риёзус солиҳийн / Риёзус солиҳийн / 729-ҳадис

729 - *Анас розияллоху анхудан ривоят қилинади: «Бир киши Набий соллаллоху алайҳи васаллам ҳузурларига келиб: «Эй Расулуллох, мен сафар қилишни хоҳлайман, сафарга керакли нарса билан мени баҳраманд қилинг», деганида, у зот: «Аллох сени тақво билан бойитсин», дедилар. Ҳалиги киши: «Яна қўшимча қилинг», деганида, у зот: «Гуноҳингни кечирсин», дедилар. Ҳалиги киши: «Яна қўшимча қилинг», деганида, у зот: «Қаерда бўлсанг ҳам сенга яхшиликлар осон бўлсин», дедилар. [3444] *Имом Термизий ривоят қилиб: «Қаерда бўлсанг ҳам сенга яхшиликлар осон бўлсин».**

1. Анас розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Бир киши Набий соллаллоху алайҳи васаллам ҳузурларига келиб: «Эй Расулуллох, мен сафар қилишни хоҳлайман, сафарга керакли нарса билан мени баҳраманд қилинг», деганида, у зот: «**Аллох сени тақво билан бойитсин**», дедилар. Ҳалиги киши: «Яна қўшимча қилинг», деганида, у зот: «**Гуноҳингни кечирсин**», дедилар. Ҳалиги киши: «Яна қўшимча қилинг», деганида, у зот: «**Қаерда бўлсанг ҳам сенга яхшиликлар осон бўлсин**», дедилар.

Имом Термизий ривоят қилиб, ҳасан ҳадис, дедилар.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
HUBUVVAT MARVARIQLARI